

ТАРЖИМА ВА ТАРЖИМАДА МУКАММАЛЛИКНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ.

Сойбназаров Навруз

ЖДПИ чет тиллар факултети
, инглиз тили амалий курси
кафедраси стажёр-ўқитувчиси.

Аннотация: Таржима лингвистика, маданиятшунослик, қиёсий этимология, қиёсий социология ва бошқа шу каби турли хил фанлар билан узвий боғлиқ фандир. Айниқса, унинг тилшунослик билан алоқаси беқиёсдир. Ушбу мақолада таржима ва унинг асл мақсади ва вазифалари очиб бериш билан биргалликда таржималарнинг турлари ва мукамал таржимага еришишида етибор бериладиган жиҳатлар ёритилган.

Калит сўзлар: Таржима, аслият, бадиий-эстетик воқелик, прагматик аҳамият, аслият ва таржима.

Таржима сўзининг луғавий маъносини кўриб чиқадиган бўлсак, таржима - форсча «тарзабон» сўзидан арабийлашиб ўзгарган. «Тарзабон» - чиройли сўзловчи, нотик, тили бурро киши деган маъноларни билдиради. Араб тилига «таржумон» шаклида қабул қилинган бу сўздан «таржима» ёки «таржума» сўзи ҳосил бўлган. Ўзбек адаблари бундай тушунчани «ўтказиш», «қайтариш», «ўгириш», «ағдариш» сингари атамалар билан ифода этганлар. Кўп йиллар давомида «таржима» шарҳ, баён қилиш, тушунтириш маъноларида ҳам қўлланиб келинган. Кейинчалик эса, бу сўз бадиий ижоднинг бир турини ифодалаш маъносини касб этди ва илмий-филологик терминга айланди. Умуман, таржима деганда бир тилда ёзилган матн ёки айтилган нутқнинг бошқа тилда қайта яратилиши тушунилади.

Таржима тушунчасининг маъноси жуда кенг, чунки «Таржима нима?» деган саволга турли соҳа вакиллари турлича жавоб беришади. Бир киши

таржимани бир тилда ёзилган китобни иккинчи тилга ўгириш деса, бошқа бир киши уни бир тилда баён қилинган фикрни ўзга тилда сўзловчи кишиларга тушунтириб беришдан иборат деб билади. Учинчи бир киши фикрича эса, кинофилмлар ҳам таржима қилинади, демак таржима бу бир тилда рол ижро этаётган актёрнинг нутқини иккинчи учинчи ва ҳоказо тилларга ўгириш демакдир.

Таржиманинг бош хоссаси унинг сўз санъати эканлигидадир. Сўзнинг фикрни ифодалаш хусусияти, таъсир қувватига эга эканлиги таржимани санъат даражасида тадбиқ этиш имконини беради. Таржимада икки халқ ва икки тил, икки маънавий ҳаёт, икки миллий маданият, икки давр ва икки адиб ўртасидаги бир-бирига чамбарчас бўғлиқ муносабатларнинг ҳам ўзига хос кўринишини эътиборга олиш зарур.

Таржима қилинаётган текст ёки нутқнинг қандайлигидан қатий назар, бир тилдан бошқасига ўгирилаётган ҳар қандай иш яъни, ҳар қандай таржима учун умумий бўлган икки ҳолат бор:

1. Таржимонинг мақсади – асл нусха тилини билмаган китобхон ёки тингловчини ўша асар тексти ёки нутқ мазмуни билан иложи борича аниқ, тўла-тўқис таништириш;
2. Таржима қилиш – муайян тил воситалари ёрдамида ифода этилган нарсани бошқа тил воситалари орқали асли билан тўла мос ифодалаш демакдир.

Таржима амалиёти пайдо бўлибдики, аслиятни она тилига қандай ўгириш лозим деган масала таржимонлар олдида кўндаланг турган муаммо саналади, таржима борасида сўз юритилганда, шубҳасиз, кўз ўнгимизда унинг бир неча хиллари намоён бўлади. Жумладан:

- а) бир тилдан иккинчисига – қардош ёки қардош бўлмаган тилга таржима қилиш;
- б) адабий тилдан - унинг бирор шевасига ва бирор шевадан – адабий тилга ёки бир тилнинг шевасидан бошқа адабий тилга таржима қилиш;

с) қадимий давр тилидан ўша тилнинг ҳозирги замонавий ҳолатига таржима қилиш;

Ҳозирда таржиманинг юқоридаги турларига яна сўзма- сўз таржима, ижодий таржима, эркин таржима, муаллифлаштирилган таржима ва шу каби бир қатор таржималар ҳам қўшилган. Бунинг асосий сабаби таржима жараёнига турлича ёндашишдир. Аммо таржиманинг қайси тури бўлмасин, ҳар қандай таржиманинг мақсад ва вазифалари бўлади.

Таржиманинг мақсади - хорижий тил лисоний воситалари ёрдамида яратилган матнни она тили материаллари асосида қайта яратишдан иборатдир. Бунинг учун таржимон, биринчи навбатда, асл нусхани тўлатўкис идрок этиши, сўнгра уни ўз тилида беками-кўст қайта фодалашни даркор. Муаллиф яратган бадий-эстетик воқеликни тўлалигича идрок этиш учун таржимон кенг мушоҳада қила олиш хусусиятига эга бўлишива бадий асар таркибидаги лисоний воситаларнинг мазмуний ва услубий-эстетик жиҳатларини тўғри англаши, шу билан бирга муаллиф назарда тутган бош ғояни, унинг ният ва мақсадларини, очиқ-ойдин тасаввур этиши зарур. Натижада таржимон томонидан қилинган таржима худди аслият ўз китобхонига қандай бадий-эстетик завқ бахш этса, унинг таржимаси ҳам асарни аслиятда мутолаа қила олмайдиган китобхонга худди шундай таассурот инъом этсин.

Таржиманинг вазифаси - аслият ва таржима тиллари лексик, грамматик ва стилистик ҳодисалари ўртасидаги уйғун ҳамда тафовутли жиҳатларни пухта ўзлаштириб олган ҳолда, аслиятнинг шакл ва мазмун бирлигини она тили воситалари ёрдамида қайта яратишдан иборатдир. Бу тамойилга риоя қилмаслик таржимада аниқликнинг, ифода меъёрининг бузилишига, олиб келади. Асл нусха муаллифидан воқеликни тўғри акс эттириш талаб этилса, таржимондан асл нусхани беками-кўст талқин этиш талаб қилинади.

Таржима қилиш жараёнида икки ҳолат рўй беради, яъни биринчидан, таржима қилиш учун ўгирилаётган нарсани тушуниш, англаш ва талқин қилиш керак. Бу ҳодиса она тилида рўй беради. Иккинчидан, асар

Ўгирилаётган тилда мувофиқ ифода воситалари, яъни сўз, сўз бирикмаси, грамматик формаларни топиш лозим. Таржимавий мувофиқлик яратиш учун турли жуфт тиллар воситаларини қиёсий ўрганиш, бадиий матннинг эстетик ўзига хослигини, унинг моддий-манتيқий, ҳиссий таъсирчан ва образли тизимини ташкил этувчи унсурлари таркибидаги услубий ва прагматик хусусиятларни аниқлаш ҳамда стилистик асосга таянишни тақазо этади.

Тил бирликларининг услубий бўёқ касб этиш хусусияти турли жуфт тиллар бирликларининг мазмуний-услубий ва прагматик жиҳатлардан ўзаро мос келиш-келмасликлари тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради. Таржиманинг бундай таҳлили мазкур соҳадаги тасаввур ва қарашларни бойитади. Улар нафақат лисоний, балкитил маълумотлари таркибидан ташқарида бўлган руҳшунослик, жамиятшунослик, этнографик, миллий-тарихий ва бошқа қатор жиҳатларни ўз ичига оладиган прагматик, ғайриисоний омилларни, шунингдек мулоқотчиларнинг юқори даражадаги билимларини назарда тутаяди. Бундай тадқиқот усулиасардаги тил бирликларининг вазифавий прагматик аҳамиятини ва уларнинг муайян матний ҳолатларда адекват ўгирилиш имкониятларини имкон қадар тадқиқ қилиш заруратини туғдиради. Тиллараро мулоқотнинг алоҳида тури бўлмиш таржима турли тиллар матнларининг мазмунан тенг қийматлилигини тақазо этади. Аслият ва таржима матнлари мазмунининг ўзаро мос келиши зарурлиги эквивалентликни таржиманинг асосий шарти эканлигини кўрсатади. Таржима амалиёти сирларини мукамал эгаллаган ва унинг назаряси билан пухта қуролланган таржимонгина аслиятга эквивалент таржималар ярата олади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш –Тошкент, 1978.
- 2.Мусайев К. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, 2005.

3.Турабойева Р.А. Инглиз тилидан ўзбек тилига таржималарда прагматиканинг лингвистик аҳамияти. - «Ўзбек тили ва адабиёти», Тошкент, 1979.